
ТАДБИРКОЛAR КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЎРТ НАФАР ФАРГОНАЛИК ТАДБИРКОР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНДИЛАР

“Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, ишбилармонлик мухитини яхшилаш, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини кенг жорий этиш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини яққол намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, жамиятда ўзаро кўмак, саховат ва меҳр-оқибатни кучайтиришга қаратилган эзгу ишлардаги фаол иштироки учун мукофотланганлар орасидан 4 нафар вилоятимиз вакиллари ўрин олдилар:

«Дўстлик» ордени билан:

Разаков Музаффар Махаматович - Қўштепа туманидаги «Fergana Global Textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси;

Солиева Зухра Адхамовна - Тошлоқ тумани тадбиркорликка кўмаклашиш маркази раҳбари

«Шуҳрат» медали билан:

Ахмаджонов Шокиржон Носиржон ўғли - Риштон туманидаги «Ахмаджонов Шокиржон Носиржон ўғли» кулолчилик корхонаси раҳбари;

Ботиров Фарходжон Машраббоевич - «Agro Impex Walley» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-20 20:36:04